

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Мажидов Акбар

*Жиззах давлат педагогика университети,
Тарих факультети катта ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада Совет ҳукумати томонидан олиб борилган қатағонлик сиёсатининг Жиззах вилояти ижтимоий ҳаётига салбий таъсири хусусидаги муаллифнинг фикр-мулоҳазалари баён қилинган. Унда совет давлати эълон қилган “социалистик инсонпарварлик”, адолат ҳақидаги ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида катта зиддиятлар мавжудлиги, иттифоқнинг жазо органлари ва унинг республикадаги тузилмалари айбсиз кишилар устидан сохта “ишлар”ни тўқиб чиқиб, оммавий хибсга олишлар уюштиргани, минглаб жамоат арбоблари, йирик олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хўжалик кадрлари, ишчилар, деҳқонлар, дин вакиллари ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа олинганлиги таҳлил қилинган.*

Кириш. Мустақиллик йилларида тарих фанимизда ҳам том маънода инқилобий ўзгаришлар юз бериб, неча йиллар давомида бузиб талқин этилган ёки яшириб келинган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилишга киришилди. Эндиликда асрлар давомида эзилган, шаъни ва ғурури ерга урилган халқимизнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқа бошлади. Ватанимиз тарихшунослигида, унинг фидойи намоёндалари илмий фаолиятидаги жиддий, ижобий ўзгаришлар ҳамда эришилаётган ютуқлар бунинг яққол далилидир.

Бизга яқин тарихимиздан маълумки, коммунистик тузум жаҳонда VII аср бошларидан бери яшаб келаётган муқаддас Ислом динини Туркистонда йўқ қилмоқчи бўлди. У 1918 йилдан 1950 йиллар ўрталаригача янги империяни мустаҳкамлаш учун табақаларга ажратиш сиёсатини олиб бориб, 6 млн. туркистонликни “миллатчи”, “пантуркист”, “панисломист”, “халқ душмани”, “қулоқ” ва “империалистлар малайи” каби тамғалар билан қоралаб қатағон қилди ва қириб ташлади [2:92].

Дарҳақиқат, Совет давлати эълон қилган “социалистик инсонпарварлик”, адолат ҳақидаги ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида катта зиддиятлар мавжуд эди. Бу ҳол миллий маънавий ҳаётнинг асл моҳиятини нотўғри тушуниш ва кўп асрлик маънавий кадриятларни йўқ қилишга уриниш билан ифодаланади. Бу ҳол айниқса қатағонлик хатти-ҳаракатлари остида айниқса кучайиб борди. Кўриб чиқиладиган даврда Ўзбекистонда инсонийлик ва демократия принципларини оёқ ости қиладиган, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғадиган оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик билан Ватанга собиқ неча ўн минглаб кишилар қириб ташланган тоталитар тартибот қарор топди ва кучая борди. Натижада большевиклар давлатининг 1930 йиллар охирида ўз халқига нисбатан қатағонлари айниқса кенг кўламда авж олди. Бир туман

ёки қишлоқ миқёсида бирорта раҳбар “халқ душмани” га айлантирилган бўлса, унинг “думи” сифатида яна 50-60 киши ўз юртдан бадарға қилинган ёки қамалган эди. Шунинг учун ҳам қатағонлар республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ларзага келтирди, кишиларда доимий кўрқув уйғотди.

Иттифоқнинг жазо органлари ва унинг республикадаги тузилмалари бир неча айбсиз кишилар устидан сохта “ишлар”ни тўқиб чиқдилар, оммавий хибсга олишлар уюштирилди, минглаб жамоат арбоблари, йирик олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хўжалик кадрлари, ишчилар, деҳқонлар, дин вакиллари ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар [3:323].

Аввало бунга Совет ҳукуматининг ҳокимият тепасига келган вақтдан бошлаб амалга оширган сиёсатининг ғоявий ва амалий жиҳатдан камчиликларга тўла эканлиги сабаб бўлди. Оқибатда аҳоли уч тоифага бўлиниб кетди. Чунончи улардан биринчи тоифали одамлар Совет ҳукуматининг берган ваъдаларига ишониб, улар томонга ўтган бўлса, иккинчи тоифа одамлари эса кўпроқ ўз манфаатларини кўзлаб Совет ҳокимиятини тан олганлар ва шунингдек учинчи тоифа эса ушбу ҳокимиятга ишонмайдиган, ўз-ўзидан шубҳасиз у томонга ўтишдан бош тортган инсонлар эди.

Ўрганилаётган давр ҳужжатларидан аниқлаш мумкинки, ўз манфаати учун Совет ҳокимияти томонга ўтганлар мустақкам бўлмаган тузумдан фойдаланиб кўплаб нохушликлар (жамоа мулкани ўзлаштириш, аҳоли орасида тарғибот олиб бориш ва бошқалар) қиладилар, лекин Совет ҳукумати вакиллари буни бўрттириб, ўз душманлари, ҳақиқий тузумга қарши ер-мулкдорларни батамом йўқотиш учун фойдаланадилар. Чунончи, “Колхоз ғалабаси” газетасида ёзилишича “...Ҳали бизнинг колхозимизда (“Сталин” колхозини ҳақида сўз бормоқда”) бир қисм яхши жонкуяр бошлиқлар бўлиши билан кўпгина колхозларимизда синфийт ва уларнинг куйруқлари сақланиб туради. Айрим колхоз бошлиқларининг балки бутун турмуши жиноятдан иборат, сайлов даврида шундай колхознинг мулкани талаган ва унинг молларини яхши сақламаган, колхозда меҳнатни яхши ташкил этмаган ва уни емиришга ҳаракат қилган колхоз бошлиқларини раҳмсиз равишда ишдан ҳайдаш, уларнинг ўрнига яхши ударник колхозчи эр ва аёллардан сайлаш керак. Қишлоқда колхозга сайланиб қолган қулоқлар ўзларининг ниятларини ва кирдикорларини яшириб қолиш мақсадида кўпгина колхозчиларни сайловга келтирмаслик учун ҳаракат қиладилар. Яна бошқа рангдаги ҳунарларини ҳам ахтариб кўрадилар. Қишлоқ активи ўзининг теварагига колхозчиларни топиб қулоқнинг бу соҳадаги ҳаракатига кескин зарба бериши керак [4]. Шу каби баҳоналар асосида тузум душманлари деб ҳукуматни қўлламаганларни йўқ қилишга киришилади.

Архив материалларидан бизга маълум бўлишича, Совет ҳукумати вакиллари мафкурадан четга чиқиб белгиланган вазифаларни бажармаётган инсонларга турли баҳоналар билан “қулоқ”, “халқ душмани” номини қўйишга ҳам бордилар. Чунончи, Жиззах воҳаси Зомин ҳудудидаги Аччи қишлоқ советига қарашли Бешкуби қишлоғида яшовчи Осан Ботиров қишлоғида чакана савдогарлик билан шуғуллангани учун,

бўрттирилиб у колхозда ишламаяпти, кимлар биландир алоқа қияпти, “халқ душмани” деб мазкур шахсга нисбатан тазйиқ оширилади [5].

Яна тарихий далилларга мурожаат қиламиз: Зомин тумани “Колхоз ғалабаси” газетасининг 1935 йил январ ойи сониди “Жиноятчи қишлоқ вакили” мақоласи эълон қилинади. Унда Бешбулоқ даҳа Бозахона қишлоқ вакили Ҳазратқулов якка хўжаликларни “Сен кулоқ бўлдинг!” баҳонасида кўрқитиб пора олганлиги, бермаганлар эса қишлоқлардан кетишга мажбур бўлаётганлиги айтилади. Масалан, мазкур қишлоқ фуқароси Собиров Фармон Шамурзоқовдан 3 пуд буғдой, 3 пуд арпа, 6 пуд ғаллани “уруғлик” деб ўзлаштириб олиб қўяди. Бундан ташқари бир неча кулоқлардан “сени кулоқликдан оқлайман” деб 500 сўм пул ундиришга эришади. Қизиғи шундаки, мазкур мақолада Даҳа совети раиси Мирзаёров бу инсоннинг кирдикорларини билса-да, лекин аҳамият бермаганлиги ҳам ёритилади [6].

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Совет ҳукумати томонига ўтган раҳбар ходимлар орасида халқпарварлари ҳам анчагина бўлган. Бу раҳбарлар у хоҳ совет колхозии аъзоси бўлсин, хоҳ “кулоқ” бўлсин барчага бирдай муносабатда бўлишга ҳаракат қилардилар. Лекин бундай кимсаларни Совет ҳокимияти иложи борича арзимаган баҳоналар билан ишдан бўшатишга, ҳатто жиний жавобгарликка тортишга ҳаракат қиларди. Халқпарвар инсонлардан бири Култепа қишлоқ советининг раиси Мўминов эди. У раисликка ўтирганидан буён партиёга етарли хизмат қилмади, “кулоқ”лар билан майхўрлик қилиб юрибди деган баҳоналар билан лавозимидан олинади ва бошқа қишлоқ советларига ибрат бўлиши учун туман прокурорига топширилади [7].

Яна бир элпарвар инсонлардан бири ўша вақтдаги Зомин тумани Четарик советининг “Янги обод” колхозии раиси Ҳайдар Турдалиев эди. Мазкур шахс Мирзачўл туманидан “кулоқ” бўлиб келган Остон Нортоев, Ҳайдар Чапақолов ва Толибой Мисировларни колхозга киритганлиги учун турли ваъжлар билан кескин тазйиққа учрайди [8].

Совет ҳукумати нафақат кулоқларга, балки отаси кулоқ бўлган, қариндоши кулоқ бўлганларга ҳам “Сен кулоқнинг қариндошисан” баҳонасида кучли тазйиқ ўтказган. Масалан, Четарик қишлоқ советига қарашли “Бирлашган” колхозии раиси Димикул Қорабеков ана шундай инсонлардан бўлиб, отаси катта ер-мулки туфайли кулоқ қилинган эди. Натижада эса унга шу баҳона билан тазйиқ ўтказилади. Бир неча бор газетада “Бирлашган колхозии кулоқлардан тозалансин!”, “Кулоқлар супуриб ташлансин” номлари остида мақолалар чоп этилади [9].

Далилларга суянадиган бўлсак, Зоминнинг Ём қишлоғилик Аллаёр қози, Дониёр қози, Маматқул бойвачча каби кулоқ қилинганларнинг ўғиллари бўлмиш Мамадиёр, Аҳмадиёр, Нурулла, Сайдулла, Ҳакимлар ҳам колхоз тузилишига қаршилиқда ҳамда давлатга хиёнат қилганликда айбланиб қўлга олинади. Ёки бўлмаса, Зомин қишлоқ мактабиди ишлаган Аҳад Самиев имомлик қилгани учун, Мамат Латипов ўтмишда бой савдогар фарзанди бўлгани учун ва яна шундай инсонлардан Ўткунчи Ибраҳимова,

Қурбон Азимов, Норкулов кабилар 1937 йилда ишдан олинади. Ҳатто уларнинг айримлари кулоқ қилинади [10].

Дарҳақиқат, Советлар томонидан олиб борилган бу мудҳиш сиёсат баъзи ҳолларда бутун-бутун оилаларнинг бўлиниб кетишига, кишиларнинг шахсий фожеаларига айланиб қолишига сабаб бўлган. Кишилар ўз номини оқлаш учун, ишга тикланиш учун, талабалигини тиклаш учун ҳаттоки, ўз отаси, укаси ёки акасидан воз кечишига, умуман ижтимоий келиб чиқишини яширишга мажбур бўлдилар. Архив манбалари билан танишиш асносида, қуриладиган совет давлатининг тузилиши ва мазмун-моҳиятини қандай бўлишини билмай туриб, кичик камчилиги ва хатоси учун ҳам фуқароларнинг жавобгарликка тортилганлиги ёки партиявий жазо олганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин [11].

Хулоса шуки, тадқиқ этилаётган йилларда мустамлака сиёсатини кўкларга кўтаришга ҳаракат қиладиган, қатағон аппаратини ишга солишга имкон берадиган тузум шаклландики, бу республиканинг бошқа ҳудудлари каби Жиззах воҳасида ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилиб борилди. Мазкур ҳудудда ҳам давлат хўжаликларида ишлаган, партия ташкилотларида фаолият юритган ходимлар арзимаган айбловлар билан партиядан ўчирилиб, ишдан ҳайдалган.

Чунончи, қишлоқларда бой деҳқонлар, ўрта ҳол деҳқонлардан тортиб олинган ерларда деҳқончилик қилишга мустабид тузум ҳали тайёр бўлмаса ҳам, улардан мусодара қилиб олинган қора мол, қўйлар, эчкилар, от улов, эшакларни бир жойга жамлаб, парвариш қилишга шароит мутлақо яратилмаган бўлсада, қишлоқ хўжалик артеллари, коммуналар, колхоз, совхозлар тузишга киришилди. Янги тузилган хўжаликларни бошқаришга ҳали ерли халқ вакилларида саводли мутахассис кадрлар деярли етишмасди.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанд ва собиқ СССРнинг Европа қисмидан ерли халқ тилини, урф-одатларини, маҳаллий шароитини билмайдиган кишиларни келтирилиб раислик, совхоз директори, райком секретари, ижроия кўмитасининг секретари лавозимларига қўйиш ҳаракати яққол кўзга ташланади. Бу ҳолат эса биринчидан, янги ташкил топадиган ташкилотларнинг қишлоқ аҳолисини жипслаштириб, аҳилликда меҳнат қилишни мақсадга мувофиқ ташкил эта олмаганлигидан далолат беради, иккинчидан, ўша вақтларда маҳаллий аҳоли ташқаридан келтириб, зўравонлик билан тузилаётган ташкилотларнинг ҳақиқатдан ўзларига мақбул ёки мақбул эмаслигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотрасиз келажак йўқ. /Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т-7. Т.: "Ўзбекистон", 1999.

2. А.Набиев. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. Т.: “Ёзувчи”, 1998.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. “Барча вазифаларни ҳал этатурган сиёсий маърака”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 2 феврал сони.
4. “Ботиров-савдогар”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 19 январ сони.
5. “Жинойтчи қишлоқ вакили”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 19 январ сони.
6. “Мўминовга қақшатқич зарба берилди”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 7 феврал сони.
7. “Янги обод” колхози ётлар кўлида”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 2 феврал сони.
8. “Бирлашган колхози кулоқлардан тозалансин”. Зомин. “Колхоз ғалабаси”, 1935 йил 30 март сони.
9. “Ўқитувчилар сафини душман унсурларидан тозалаймиз”. Зомин. 1937 йил 12 декабр сони.
10. Алиякулова Д.Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 20-80 йиллари. Жанубий вилоятлар мисолида) т.ф.н. даражаси учун ёзилган диссертация. Т.: 2012.